

2-1-2020

IMPROVEMENT OF CALCULATIONS ON DOCUMENTARY ACCREDITATION IN COMMERCIAL BANKS

O. Khudoyorov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khudoyorov, O. (2020) "IMPROVEMENT OF CALCULATIONS ON DOCUMENTARY ACCREDITATION IN COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 10.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХУЖЖАТЛАШТИРИЛГАН АККРЕДИТИВЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг хужжатлаштирилган аккредитивлар билан боғлиқ операцияларини жорий ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. Тижорат банкларининг хужжатлаштирилган аккредитивлари ҳақида хорижий иқтисодси олимларининг фикр ва мулоҳазалари, илмий қарашлари ўрганилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг хужжатлаштирилган аккредитив операциялари бўйича таҳлил ва натижалар ишлаб чиқилган ҳамда тижорат банкларининг хужжатлаштирилган аккредитивлар билан боғлиқ асосланган тўлов амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банки, хужжатлаштирилган аккредитив, риск, кредит, импорт, жорий ҳисобрақам, нақд пулсиз ҳисоб-китоб, тўлов тизими, аккредитив банк, хабар берувчи банк

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАСЧЁТОВ ПО ДОКУМЕНТАРНЫМ АККРЕДИТИВАМ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

В данной статье представлена информация о текущем состоянии операций, связанных с документарными аккредитивами коммерческих банков Республики Узбекистан. Были изучены представления, научные взгляды зарубежных ученых-экономистов о документарных аккредитивах коммерческих банков. Кроме того, были разработаны анализ и выводы операций с документарным аккредитивам коммерческих банков Республики Узбекистан, а также выявлены проблемы, связанные с совершенствованием расчетной практики по документарным аккредитивам банков, и разработаны научные предложения, направленные на решение данных проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, документарный аккредитив, риск, кредит, импорт, текущий счет, безналичный расчет, платежная система, аккредитивный банк, авизующий банк.

IMPROVEMENT OF CALCULATIONS ON DOCUMENTARY ACCREDITATION IN COMMERCIAL BANKS

This article provides information on the current status of documented accreditation by commercial banks of the Republic of Uzbekistan. The views and opinions of scholars of foreign economies on the documentary accreditation in commercial banks were studied and conducted a research. In addition, the analysis and conclusions of documentary accreditation in commercial banks of the Republic of Uzbekistan have been developed, as well as scientific proposals aimed at

addressing the problems associated with improving the justified payment practices of commercial banks related to documentary accreditation.

Key words: commercial bank, accreditation, risk, credit, import, current account, bank transfer, payment system, letter of credit, advising bank.

Кириш

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал этишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунда, айниқса, етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларнинг қафлатланганлик даражаси нисбатан юқори бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш вазифасининг қўйилганлиги масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради [1].

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивларга асосланган тўлов амалиёти такомиллашмаган. Бу эса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий ҳажмида жуда кичик салмоққа эга эканлигида намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

А.Малыхнинг фикрига кўра, ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчи учун қуйидаги афзалликларга эга:

- ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига тўловни товар жўнатилгандан сўнг тўлиқ олиш имконини беради;
- ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига зарур бўлган транспорт ва тижорат ҳужжатларини олишни қафолатлайди;
- ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига эмитент банкдан қўшимча молиялаштириш олиш имконини беради [2].

О.Херший томонидан яратилган “очик оферталар” назариясига кўра, аккредитивда кўрсатилган бенефициарга тўланиши ваъда қилинган сумма оферта ҳисобланади ва у акцеплангунга қадар очик қолади [3].

А. Шамраевнинг фикрига кўра, ушбу назарияда аккредитивларнинг чақириб олинмаслик принципи ўз ифодасини топмаган [4] Бизнинг фикримизча, “очик оферталар” назарияси Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ҳозирги ҳолат учун амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки республикамизда асосан таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланилмоқда. Бунда бенефициарга тўлов суммасини ваъда қилишга зарурият йўқ. Бунинг сабаби шундаки, таъминланган аккредитивларда тўлов суммаси алоҳида ҳисобрақаида депонент қилинади.

Аккредитив - бу харидор ва сотувчилар ўртасидаги тижорат операцияларини амалга оширишда тўловларни осонлаштириш учун кенг

қўлланадиган ва маҳаллий ёки чегара ортидаги тўловларни фойдаланиш мумкин бўлган восита ҳисобланади [5].

И.Алимардоновнинг докторлик диссертациясида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатадики, кичик бизнес субъектларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилаётган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланмаётганлиги уларнинг ташқи савдо операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда [6].


Таҳлиллар ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги йўриқномасига асосан, аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати;
- аккредитив шартномасининг тартиб рақами ва санаси;
- буюртманинг тартиб рақами;
- буюртма берилган сана;
- товарнинг (иш, хизмат) номи;
- тўловларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг тури [6].

Таъкидлаш жоизки, республикамызда ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда тўлов суммаси миқдорнинг жорий ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади.

Таъминланган аккредитивларнинг асосий камчилиги шундаки, товарларни сотиб олувчига тегишли бўлган пул маблағларининг бир қисми унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади.



1-расм. Таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида тўловларни амалга ошириш тартиби (Муаллиф ишланмаси)

Бу ерда:

- 1 – товарларни олди-сотди қилиш шартномасини имзолаш;
 - 2 – сотиб олувчи ўзининг банкига аккредитив очиш тўғрисида ариза беради;
 - 3 – сотиб олувчининг банки, яъни аккредитив банк аккредитивни очади, яъни аккредитив суммасини сотиб олувчининг жорий ҳисобрақамидан олиб, алоҳида ҳисобрақамда депонент қилади.
 - 4 – сотиб олувчининг банки мол етказиб берувчининг банкига, яъни хабар берувчи банкка аккредитив телеграммаси жўнатади;
 - 5 – мол етказиб берувчининг банки мол етказиб берувчини аккредитив очилганлигидан хабардор қилади;
 - 6 – мол етказиб берувчи товарларни жўнатади;
 - 7 – мол етказиб берувчи товар ҳужжатларини ўзининг банкига узатади;
 - 8 – мол етказиб берувчининг банки товар ҳужжатларини текширади ва қабул қилиб олади;
 - 9 – мол етказиб берувчининг банки товар ҳужжатларини сотиб олувчининг банкига тўлов учун жўнатади;
 - 10 – сотиб олувчининг банки аккредитив бўйича тўловни амалга оширади;
 - 11 – сотиб олувчининг банки товар ҳужжатларини сотиб олувчига беради;
 - 12 – сотиб олувчининг банки мол етказиб берувчининг банкини 10-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;
 - 13 – мол етказиб берувчининг банки тўлов суммасини мол етказиб берувчининг жорий ҳисобрақамига ўтказди;
 - 14 – мол етказиб берувчининг жорий ҳисобрақамидан кўчирма.
- Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилаётган тўловларнинг даражасига баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг миқдори ва даражаси [8]

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловлар, млрд. сўм	49	107	95
Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг жами тўловлар ҳажмидаги салмоғи, %	0,01	0,01	0,01

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлараг асосланган тўлов амалиёти такомиллашмаган. Республика бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг атиги 0,01 фоизи ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018 йилда ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловлар ҳажми 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

Республикамиз банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт операцияларини молиялаштиришда таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан кенг фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида импортерларга тегишли валюта маблағларининг бир қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– республикамиз амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг энг кенг қўлланиладиган шакли таъминланганлик шакли бўлиб, унинг асосий камчилиги бўлиб, сотиб олувчи корхоналарга тегишли бўлган пул маблағларининг бир қисмини уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолиши ҳисобланади;

– республикамиз бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги тўловларни жуда кичик салмоққа эга эканлиги тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивларга асосланган тўлов амалиёти такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларидаги ликвидлилик рискинни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тўловсизлик муаммосининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, қизил хошияли аккредитивлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўрасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермаяпти.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 20,5 фоизни ташкил қилди.

Қизил хошияли аккредитивларда аккредитив суммаси аванс тариқасида сотиб олувчига ўтказиб берилади. Бу эса, сотиб олувчининг пул оқимини барқарорлигини оширишга, улар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмиин қисқартиришга хизмат қилади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операцияларини молиялаштиришда ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг ролини ошириш мақсадида трансферабелли ва стэн-бай аккредитивлардан фойдаланишни банк амалиётига жорий қилиш лозим.

Трансферабелли аккредитивлар савдо воситачисига ўз маблағлари чекланган шароитда аккредитив бўйича тўлов суммасини талаб қилиш ҳуқуқини берса, стэн-бай аккредитиви бир вақтнинг ўзида кафолат вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Малых А. В. Документарный аккредитив в международной торговле//Финансы и кредит. – Москва, 2007. –№47. – С. 20-31.
3. Hershey O. Letters of Credit. – Harvard Law Review. – Vol. 32. – P. 1 (1918).(<http://www.unionbanks.ru/>)
4. Шамраев А.В. Регулирование документарного аккредитива в праве США//Деньги и кредит. – Москва, 2001. – №6. – С. 52.
5. Rosmawani CheHashim, Nurul Shahnaz Mahdzan. Fraud in letter of credit transactions: The experience of Malaysian bankers. // International Journal of Law, Crime and Justice, Volume 42, Issue 3, September 2014, Pages 224-236
6. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд . эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 21.
7. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда, 49-сон, 640-модда; 2014 й., 11-сон, 129-модда; 2015 й., 40-сон, 522-модда; 2017 й., 29-сон, 710-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/2465-5/0292-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 10/19/2465-6/2933-сон; 08.10.2019 й., 10/19/2465-7/3877-сон.
8. Тўлов тизими. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).